

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РИЗАЕВА ФЕРУЗА АБДУЛҲАМИТОВНА

**ПАРВОВИРУС В-19 ИНФЕКЦИЯСИНИ ДОНОРЛАР ВА ҚОН
ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ЎРГАНИШ**

14.00.29– Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ризаева Феруза Абдулхамитовна

Парвовирус В-19 инфекциясини донорлар

ва қон тизими касалликлари бўлган беморларда

ўрганиш..... 3

Ризаева Феруза Абдулхамитовна

Изучение парвовирусной В-19 инфекции у

доноров и больных с заболеваниями системы

крови..... 25

Rizaeva Feruza Abdulhamitovna

B19 parvoviral infection in hematological

patients and blood donors..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ГЕМАТОЛОГИЯ
ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

РИЗАЕВА ФЕРУЗА АБДУЛХАМИТОВНА

**ПАРВОВИРУС В-19 ИНФЕКЦИЯСИНИ ДОНОРЛАР ВА ҚОН
ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ЎРГАНИШ**

14.00.29– Гематология ва трансфузиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида B2018.4.PhD/Tib730 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Хамид Якубович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Муборак Джалиловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Убайдуллаева Зухра Ибрагимовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй.

Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru; Тошкент тиббиёт академияси мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ш.А.Бабаджанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Суяк кўмигида қон яратиш тизимининг барча гемапоэз хужайраларининг шикастлаши натижасида, касаллик кечишини оғирлашишига олиб келиш хусусиятига, шу қаторда патоген таъсирга эга бўлган парвовирус В19 (PV В19)нинг юқиш даражасининг ошиб бориши дунёнинг барча давлатларида соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда. Эпидемиологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳар қандай ҳароратга турғунлиги боис PV В19, аҳволи оғир, донор қони ишлови натижасида олинадиган препаратлар қуйилишига ўта мухтож бўлган беморларга юқиш ҳавфи етарлича юқори ҳисобланади. Хусусан, таъкидлаш лозимки, «... гематологик беморларга жуда хос бўлган, иммун танқислик ёки эритроид ўсиқнинг бузилиши мавжуд бўлган беморларда, PV В19 кўп ҳолатларда гемолитик камқонлик, тромбоцитопения, суяк кўмигининг парциал қизил хужайрали аплазияси ва бошқа бузилишларга, шунингдек асоратлар ривожланишига олиб келади...»¹. Бундай ҳолат, асосий касалликнинг кечишини кучайтириб қўяди, бунинг натижасида унинг давомийлиги ва оғирлик даражаси ошишига олиб келади, шунингдек, қон компонентларини PV В19 мавжудлигига тестлаш ўта зарурлигини белгилайди.

Жахонда соғлом аҳоли ва қон донорлари орасида, шу қаторда қон компонентлари қуйилишига мухтож бўлган ва узок давомий иммуносупрессия ҳолатидаги беморларда ҳам, PV В19 эрта ташхисотининг самарадорлигини оширишга ва такомиллаштиришга қаратилган бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда. «...Қон компонентлари трансфузияси оқибатида юқадиган бошқа ўта ҳавфли, яъни орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС), шунингдек гепатит В ва С инфекциялар билан бир қаторда, донор қонида PV В19 мавжудлигига тест ўтказишни ҳам тавсия қилишади...»². Шуларни инобатга олган ҳолда, гематологик беморларда ва қон донорлари орасида, парвовирус В19 инфекциясига IgM, IgG ва ДНК маркерларини тарқалганлигини баҳолаш билан бирга, PV В19 учраш даражасини аниқлаш; гематологик беморлар ва шартли-соғлом шахслар ўртасида ёши ва жинсини инобатга олган ҳолда, парвовирус В19 (PV В19) инфекциясига иммун жавобни аҳамиятини ўрганиш ва унинг генетик ва серологик маркерлари хусусиятларини аниқлаш, бизнинг республикамызда алоҳида аҳамият касб этади.

Юртимизда халқаро стандарт талабларига мос равишда, тиббиёт соҳасининг, турли хил соматик касалликлар ташхисоти, олдини олиш ва даволаш усулларининг ривожланиши учун, «...мамлакатимизда тиббий ёрдамни самарадорлигини, сифатини ва ҳаммабплигини ошириш, шунингдек патронаж хизмати ва диспансеризацияни самарали моделларини

¹ Duff P. Maternal and Fetal Infections // Creasy and Resnik's Maternal-Fetal Medicine: Principles and Practice, 2019, 51, 862-919.

² Karafin M.S., Hillyer C.D., Shaz B.H. Transfusion of Plasma and Plasma Derivatives: Plasma, Cryoprecipitate, Albumin, and Immunoglobulins // Hematology: Basic Principles and Practice, 2018, Chapter 115, 1744-1758.

ишлаб чиқиш йўли орқали, касалликларнинг ташхисоти, давоси, олдини олишнинг юқори технологик усулларини тадбиқ қилиш ва соғлом турмуш тарзини қўллаб – қувватлаш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, гематологик беморларда асоратларни юзага келиш даражасини камайтиришга қаратилган профилактик чора – тадбирларни ишлаб чиқиш, замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш, асосий касаллик кечишини олдиндан аниқлаш сифатини яхшилаш, беморларнинг яшовчанлиги ва соғайиши, қон компонентларини қуйиш орқали, парвовирус В19 билан боғлиқ вирусли юкламани пасайтириш натижасида, ногиронлик даражасини камайишига имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартадаги ПФ–4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳолининг турли қатламлари орасида PV В19 юқишининг тарқалганлик муаммосини ўрганиш ва PV В19 юқиши ва клиник кўринишлари ўртасидаги сабаб-оқибатлар боғлиқлигини белгилаш, жахоннинг бир қанча йирик илмий – текшириш марказларининг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади (Н.П. Бондаренко, В.П. Лакатош, В.В. Белая, А.В. Аксенова, 2015; Н.В. Bernstein, 2017; J. Ding, M.R. Baer, J.R. Hess, A.V. Zimrin, 2018).

PV В19 юқишининг қон яратилиши патологиялари ва қон тизими касалликлари, шунингдек иммун тизимидаги бузилишлар билан ўзаро боғлиқлиги, яқин хорижий мамлакатлар сингари, узок хорижий давлатларнинг ҳам, тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади (А. Влахос, Л. Бланк, Дж.М. Липтон, 2014; Л.Ю. Жукова, А.В. Харчев, О.Л. Колобова, Н.Е. Соколова, А.Н. Тарасенко, 2015; N. Hiro, I. Akira, I. Nahoko, N. Kentaro, S. Chemin, N. Hisaya; K. Mitsuru, H. Masaki, 2017). Иммун тизимга таъсир қилиш, шу қаторда вирусли инфекциялар терапиясида ҳам, унинг нормал ишлашини тиклашнинг устувор йўлларида бири деб ҳисобланади [Э.А.

³ Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 7 декабрдаги № ПФ 5590 « Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг комплекс чора тадбирлари тўғрисида » ги фармони.

Каширина, А.А. Рубцова, Н.М. Югай, О.Б. Карабанова, С.Г. Загидуллина, 2016; К.И. Киргизов, Т.В. Шаманская, Е.А. Пристанскова, В.В. Константинова, Н.В. Сидорова, Д.Ю. Качанов, С.Р. Варфоломеева, Е.В. Скоробогатова, 2014; Я.А. Смеликов, 2013).

Шу билан бирга, кенг миқёсидаги беморлар, хусусан, гематологик стационар беморлари учун, нақадар зарур бўлган биоматериал манбаи ҳисобланган, донорларнинг юктириб олиш муаммоси (M. Karrasch, J. Felber, P.M. Keller, C. Kletta, R. Egerer, J. Bohnert, et al., 2014; M.S. Schampera, K. Schweinzer, H. Abele, K.O. Kagan, R. Klein, I. Rettig, G. Jahn, K. Hamprecht, 2017), PV B19 донорлардан реципиентларга ўтишини огоҳлантириш ва умум қабул қилинган ташхисот стандартларига умумий тадбиқ қилиш уринишларни қўлланилишига қарамасдан, ҳали-ханузгача ечилишидан анча йироқда (R. Lara-Medrano, M.F. Martínez-Reséndez, E. Garza-González, A.G. Medina-Torres, A. Camacho-Ortiz, 2016; B. Mayer, F. Depré, F. Ringel, A. Salama, 2017). Шу қаторда айтиш жоизки, PV B19 юқишининг тарқалишини олдини олиш ва назорат қилишнинг умум қабул қилинган ва тасдиқланган ягона усулининг йўқлиги, ушбу йўналишда тадқиқот олиб боришнинг нақадар зарурлигини ва долзарблигини аниқлашга имкон беради.

Республикамизда инновацион стратегияларнинг кенгайтиши ва замонавий юқори технологияларнинг тадбиқ қилиниши, гематологик беморларда PV B19 юқиши билан боғлиқ бўлган асоратларни пайдо бўлиш даражасини камайтиришга қаратилган, профилактик чора – тадбирларнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш каби муҳим жиҳатларни ўз ичига олган, аниқ йўналтирилган ишончли тиббиётнинг асосларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № ППИ-149 «Атроф-муҳит омилларининг генетик полиморфизм ва инсон организми патологик ҳолатларининг, бошқа детерменантлари асосида ноўя таъсирини, касалликни қиёсий даволаш ва олдини олиш янги усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2015-2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади гематологик беморлар ва қон донорларида парвовирус B19 инфекциясининг асосий клиник-лаборатор хусусиятларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гематологик беморларда ва қон донорларида парвовирус B19 (PV B19) инфекциясини учраш даражасини аниқлаш;

гематологик беморларда ва қон донорлари орасида парвовирус B19 инфекциясига IgM, IgG и ДНК маркерлари тарқалганлигини баҳолаш;

қон донорлари ва гематологик беморларда парвовирус B19 (PV B19) инфекциясига иммун жавобнинг аҳамиятини белгилаш;

беморлар ва шартли соғлом шахслар ўртасида ёши ва жинсини инобатга олган ҳолда, парвовирус В19 (PV В19) инфекциясининг генетик ва серологик маркерлари хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015-2018 йилларда Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий гематология тиббиёт марказининг онкогематологик бўлимда кузатувда бўлган 191 нафар бемор (асосий гуруҳ) ва таққосий гуруҳга 385 нафар шартли соғлом шахслар (194 таси болалар ва ўсмирлар, 191 нафари катта ёшли донорлар) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қоннинг умумий таҳлили кўрсаткичларини, PV В19 нинг турли хил оқсилларига G (IgG) и M (IgM) синфининг вирусга хос иммуноглобулинларини аниқлаш ва PV В19 (вирус геноми) вирус бўлакчаларидан дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) сини ажратиб олиш учун веноз қон олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда стандарт клиник-лаборатор (умумий қон ва суяк кўмиги цитологик таҳлили, биохимик таҳлил кўрсаткичлари), иммунофермент ва молекуляр-генетик (стандарт ПЗР), шунингдек олинган натижаларни статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли ёшдаги шартли соғлом, қон донорлари, шунингдек гематологик беморлар орасида парвовирус инфекциясининг маркерлари аниқланган;

илк маротаба парвовирус В 19 тарқалиш даражаси беморларнинг жинси, ёши, касалликнинг давомийлиги, олиб борилган даво чоралари ва трансфузиялар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

гематологик касалликларнинг ва парвовирус В19 серологик маркерларини учраш даражаси ва унинг геномини аниқлаш ўртасида ўзаро боғлиқлик исботланган;

парвовирус В19 юқтириб олиш хавфи ва вирус мавжудлигини аниқлаш учун донор қони ва унинг компонентларини текшириш зарурлиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

донорлар орасида парвовирус инфекциясининг ўткир даврида серологик маркерларни учраш даражаси ва унинг юқувчанлиги, шунингдек донорлар орасида PV В19 геномини аниқланиши ушбу кўрсаткичлар бошқа ёшдаги гуруҳларда, текширилувчи шартли-соғлом шахсларда унинг учраш даражасини ошганлиги аниқланган;

гематологик беморлар орасида PV В19 учраш даражаси, шартли соғлом шахслар ўртасида тарқалганлик кўрсаткичларини оширилиши аниқланган, шунингдек умумий қон яратилишини, хусусан эритроид қатор ўсик хужайраларнинг сиқилиши билан кечувчи беморларда, серологик ва генетик маркерларни юқори даражада топилиши аниқланган;

гематологик хасталиклари мавжуд бўлган беморларга, вирус юқтирилган қон, унинг компонентлар ва препаратлари гемотрансфузиясини олдини олиш мақсадида, донор қонини PV В19 га тест ўтказиш зарурияти аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, назорат остига олинган беморлар сонининг етарлилиги, клиник-патогенетик жиҳатларини асослашда юқори даражадаги замонавий, бири-бирини тўлдирувчи усуллар қўлланганлиги, клиник, молекуляр-генетик ва статистик текширув усуллари асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гематологик беморларда парвовирус В19 серологик маркерларини учраш даражаси ва унинг геномини аниқлаш ўртасида ўзаро боғлиқлик, уларнинг жинси, ёши, касалликнинг давомийлиги, олиб борилган даво чоралари ва трансфузияларнинг ўтказилишини инобатга олган ҳолда аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иммун танқислик ҳолатдаги хасталарда, шунингдек Ўзбекистонда донор қони ва унинг компонентларини PV В19 га нисбатан доимий мониторинг олиб бориш, парвовирус юктирилганлигини ўз вақтида аниқлашга, беморларда асоратларнинг ривожланишини, ҳамда касаллар ва клиникадаги тиббиёт ходимлари орасида кейинчалик вирусни тарқалиб кетмаслигини олдини олиш учун тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гематологик беморлар ва қон донорларида парвовирус В19 инфекциясини асосий клиник-лаборатор хусусиятларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

«Донор қонида парвовирус В19 инфекциясини ташхисоти» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 01 ноябрдаги 8н-д/252-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома гематологик хасталиклари бор бўлган беморлар ва донорларнинг қонида парвовирус В19 инфекциясининг эрта ташхисотини ва трансфузиядан кейин инфекциянинг юқиш ҳавфини олдини олиш имконини берган;

гематологик беморлар ва донор қонида парвовирус В19 инфекциясининг клиник-лаборатор ва молекуляр-генетик ўзига хос хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва вирусология илмий текшириш институти амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 январдаги 8н-з/12-сон маълумотномаси). Натижада парвовирус юқишини ўз вақтида аниқлашга, шунингдек беморларда асоратлар ривожланишини олдини олиб, тўғри йўналтирилган даवони олиб боришга, жорий терапевтик курсаткичларни яхшилашга, жумладан беморларда ушлаб турувчи кимётерапия муолажасини вақтини қисқаришига, ремиссия даври давомийлигини

узайишига, бунинг натижасида эса беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 1 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми диссертацион ишнинг долзарблиги ва зарурлиги билан асосланади, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг муҳим йўналишлари тадқиқотларига мос келиши кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Парвовирус инфекциясини ўрганганлик бўйича саволлар “адабиётлар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида парвовирус В19 инфекциясининг кўпайиш хусусиятлари ва ҳаёт цикли, тузилишининг ўзига хослиги, таснифи ҳақида умумий маълумотлар ёритиб берилган. Шунингдек, ушбу бўлимда инфекция юқиш йўллари, эпидемиологияси, В19 парвовируси чақириши натижасида юзага келадиган юқумли жараёнларнинг намоён бўлиши ва клиник шакллари, гематологик беморларда иммун ҳолатнинг ўзига хослиги, В19 парвовируси юққан ҳолатда уни баҳолаш мезонлари, шунингдек олдини олиш усуллари кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **«Парвовирус В-19 инфекциясини донорлар ва қон тизими касалликлари бўлган беморларда баҳолаш материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида объектлар ва тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот усуллари, хусусан иммунфермент таҳлиллар (ИФТ), полимераз занжирли реакция (ПЗР) ва статистик тадқиқот усуллари ҳақида батафсил маълумотлар баён этилган.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қўйиш илмий-тадқиқот институтининг онкогематология бўлимида 2015 йилдан 2018 йилгача назоратда бўлган 191 нафар беморлар ва 385 шартли соғлом шахслар (уларнинг 194 нафари болалар ҳамда ўсмирлар ва 191 нафари катта ёшдаги донорлар) бўлган. Барча текширилувчи шахслар гуруҳларга бўлинган: I гуруҳ шартли соғлом шахслар (n=385)ни ташкил қилди; қолганлари (n=191) касаллик ташхиси бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинган: II гуруҳ - апластик камқонлик (АК) (n=36); III гуруҳ – наслий

(туғма) гемолитик камқонлик (ТГК) (n=16); IV гурух - ўткир миелоид лейкомия (ЎМЛ) (n=48); V гурух - ўткир лейкоз миеломонобласт (ЎММЛ) (n = 14); VI гурух - ўткир лимфобласт лейкомия (ЎЛЛ) (n = 77).

Бундан ташқари, шартли соғлом шахслардан ташкил топган назорат гурухи, ёшни инобатга олган ҳолда қуйидаги гурухчаларга бўлинган: I - болалар (3,5 ёшгача) (n=80); II - 3,5-12 ёшдаги болалар ва ўсмирлар (n=65); III - 12-18 ёшдаги ўспиринлар, ўғил болалар ва қизлар (n=49); IV - 18-35 ёшдаги катталар (донорлар) (n = 90); V - 35-50 ёшдаги (донорлар) (n=61); VI - 50-60 ёшдаги (донорлар) (n=40).

ИФТ ёрдамида - PV B19нинг турли оқсилларига M ва G синфининг вирусспецифик иммуноглобулинлари, коммерция тест-системаларни қўллаган ҳолда аниқланган, PV B19га нисбатан IgM ва IgG титрларини аниқлаш учун «recomWell Parvovirus B19 IgG ва recom Well Parvovirus B19 IgM» қўлланилган, (Mikrogen Diagnostik, Германия) ишлаб чиқарувчиларининг кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилди, ИФТнинг каттиқ фазали икки поғонали билвосита усулини реализацияси билан (Д.С. Тихомиров, 2009; В.В. Меньшиков, 2012; Е.В. Филатов, Н.В. Зубков, В.В. Анастасиев, 2013) (Mindray, Хитой)), MR96 микропланшетли фотометрида ўлчанган.

Стандарт ПЗР, горизонтал электрофорезни қўллаган ҳолда, парвовирус ДНК геномини ажратиб баҳолашни ўз ичига олган («ДНК-технология», Россия) ва компьютерга уланган видеотизим ёрдамида натижалар рўйхатдан ўтказилган.

Олинган маълумотларни, цитокинларнинг полиморф участкаларини генотиплаш бўйича статистик таҳлили <http://medstatistic.ru/calculators/calccodds.html>. online – статистик калькулятор ёрдамида амалга оширилган. Статистик ўлчов бирликлари сифатида қуйидагилар қўлланилган: Пирсоннинг хи квадрат (χ^2) ўлчов бирлиги, нисбий хавф бирлиги (ОР ёки инглизча - relative risk (RR)), ишончлилик кўрсаткичи odds ratio (OR) ва унинг 95% ишончли интервали (95%ДИ). Статистик ишончлилик ўлчови сифатида $p < 0,05$ белгиси қўлланилган.

Диссертациянинг “Гематологик беморларда ва донор қонида парвовирус B19 инфекциясини учраш даражаси ва клиник-лаборатор кўринишларининг ўзига хослиги” деб номланган учинчи бобида гематологик беморларда парвовирус инфекцияси белгиларини аниқлаш хусусиятлари, популяция намунасида унинг клиник ва иммуногенетик жиҳатларини ўрганиш натижалари тақдим этилган.


Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти клиникасининг гематологик бўлимларида беморлар орасида IgM бўйича серопозитив шахсларни сонини аниқлаш парвовируснинг B19-серологик реакцияси яққол намоён бўлишининг спецификлиги ва генетик маркерларини аниқланиши турли гематологик касалликларга чалинган беморларда бир мунча фарқ қилишини кўрсатган.

Бунда апластик анемия билан оғриган беморларда PV B19 IgM бўйича синама серопозитив бўлган беморлар сони шартли соғлом шахсларга

нисбатан ўртача 2,9 баравар кўплиги, аммо эркак ва аёллар орасида бу кўрсаткич, шартли соғлом шахсларга нисбатан сезиларли даражада фарк аниқланмаганлиги қайд этилган.

Шу билан бирга, шартли соғлом кишилар билан таққослаганда, НГА билан оғриган беморларда IgM учун PV B19 га мусбат синамани аниқланиш сони 2,1 баравар, аёллар орасида эса бу кўрсаткич 2,4 баробар юқорилиги аниқланди. Назорат гуруҳига нисбатан, НГА бўлган эркаклар орасида - кўрсаткич 1,9 марта бўлиб, бу III ва I гуруҳлар ўртасида жиддий гендер тафовутлар мавжуд эмаслигидан далолат берган.

Шу билан бирга, ЎМЛ билан оғриган беморлар гуруҳида PV B19га хос IgM беморлари учун серопозитив ҳолатлар назорат гуруҳига қараганда 2,2 баравар юқорилигини кўрсатган. Бундан ташқари, ЎМЛ ташхиси қўйилган беморларнинг эркак ва аёлларнинг ярмида ушбу кўрсаткич популяциядаги гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 2,2 марта кўпроқ аниқланган (1-расм).



1-чизма. Гематологик беморлар қон зардобида PV B19 хос бўлган IgM серопозитив генлар аниқланиш сони.

PV B19-махсус IgM учун серопозитив синама аниқланганлар сони ЎММЛ билан оғриган беморларда, шартли соғлом кишиларга нисбатан 3,7 баробар кўплигини кўрсатган.

Бундан ташқари, ЎММЛ билан оғриган эркакларда ушбу серологик маркернинг аниқланиш даражаси назорат гуруҳидаги кўрсаткичдан 3,5 баробар юқорилиги қайд этилган, бу аёлларда ҳам эркаклардан деярли фарк қилмаган ва 3,8 га тенг бўлган.

Шу билан бирга, III гуруҳда яъни НГА билан оғриган беморларда PV B19 учун серопозитив IgM улуши АА билан аниқланган беморларга нисбатан бир оз паст бўлганлиги қайд этилган ва бу 74,9% ни ташкил этган ($\chi^2 = 0.15$; RR = 0.79; OR = 0.71; II гуруҳда ушбу маркер учун серопозитив синама натижаларининг учраши 95% ИР (СI): 0.13-4.00) га тенг бўлган (1-жадвалга қаранг).

ЎМЛ билан хасталанган беморларда B19 парвовирус ва уларда IgM даражасини ўрганиш, шартли соғлом кишиларга нисбатан 2,34 баравар

юқори эканлиги ($\chi^2 = 2.31$; $RR = 1.87$ ва жинслар орасида фарқ йўқлиги аниқланган, $OR = 2.34$; 95% ИР (CI); 0.82-6.68) (1-жадвалга қаранг).

Турли хил ташхис қўйилган гематологик беморларнинг ўрганилган гуруҳларини таққослаш PV B19 IgM ни аниқланиш даражасида фарқлар мавжудлигини кўрсатган. Шундай қилиб, PV B19 учун хос IgM синамасини аниқлаш унинг энг юқори кўрсаткичлари AA ва ЎММЛ билан оғриган беморлар орасида аниқланган. Бироқ, бу ҳолат ўрганилган намуналар сонининг етарли эмаслиги билан ҳам изоҳланиши мумкин.

1-жадвал.

Назорат гуруҳи билан таққослаганда гематологик беморлар орасида қон зардобини парвовирусга B19 хос IgM даражаси кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўртача «+»		χ^2	RR	OR	95% ИР (CI)
	I) Донорлар, n=191	II) AA, n=36				
PV B19 га IgM	11 (5,8%)	6 (16,7%)*	4,22	2,47	3,27	1,13 - 9,51
	I) Донорлар, n=191	III) НГА, n=16				
	11 (5,8%)	2 (12,5%)	0,92	2,13	2,34	0,47-11,60
	I) Донорлар, n=191	IV) ЎМЛ, n=48				
	11 (5,8%)	6 (12,5%)	2,31	1,87	2,34	0,82- 6,68
	I) Донорлар, n=191	V) ЎММЛ, n=14				
	11 (5,8%)	(21,4%)* n=3	3,47	3,72	4,46	1,09-18,36
	I) Донорлар, n=191	VI) ЎЛЛ, n=77				
	11 (5,8%)	7 (9,1%)	0,92	1,39	1,64	0,61- 4,39
	I) Донорлар, n=191	Беморлар, n=191				
11 (5,8%)	24 (12,6%)*	5,43	1,43	2,35	1,12- 4,95	

Изоҳ: χ^2 - эҳтимолликка қараб тузилган Хи-квадрат мезони; * - назорат гуруҳига (донорларга) нисбатан статистик аҳамиятга эга.

1-жадвалда келтирилган шартли соғлом донорлар ва AA билан оғриган беморлар орасида PV B19 ўзига хос IgM учун серопозитивликни сонларини аниқлашни тақсимланишини таҳлил қилиш натижалари, ўрганилаётган серологик маркернинг пайдо бўлиши статистик аҳамиятга эгаллигини, хусусан, AA билан оғриган беморларда II гуруҳда 2,9 баравар юқорилигини кўрсатган ($\chi^2 = 4.22$; $RR = 2.47$; $OR = 3.27$; 95% ИР (CI) = 1.13 - 9.51).

НГА билан оғриган беморларда, ЎМЛ чалинганларда бўлгани каби, B19 га хос бўлган IgM учун серопозитивлик даражаси назорат гуруҳидаги ушбу кўрсаткичдан 2,2 баравар юқори, аммо бу статистик аҳамиятга эга эмас ($\chi^2 = 0.92$; $RR = 2.13$; $OR = 2.34$; 95% ИР (CI) = 0.47-11.60) ва ($\chi^2 = 2.31$; $RR = 1.87$; $OR = 2.34$; 95% ИР (CI) = 0, 82-6.68).

Бундан ташқари, ЎММЛ билан оғриган беморлар орасида ушбу маркернинг сезувчанлиги назорат намунасида унинг аниқланиш сонига нисбатан 3,7 баравар юқори ($\chi^2 = 3.47$; RR = 3.72; OR = 4.46; 95% ИР (СИ) = 1) , 09-18.36) эканлиги аниқланган.


VI гуруҳда, ЎЛЛ кузатилган беморларнинг барчасида PV B19 учун серопозитив IgMни аниқлашнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли устунлиги йўқ бўлса ҳам, шартли соғлом донорларнинг улушидан 1,6 баравар юқорилигини кўрсатган ($\chi^2 = 0.92$; RR = 1.39; OR = 1.64; 95% ИР (СИ) = 0.61-4.39). Гематологик касалхонада ўртача ҳисобда серопозитив IgM даражаси PV B19 беморлар орасида статистик аҳамиятга эга бўлиб, назорат гуруҳидаги ушбу кўрсаткичдан 2,2 баробар юқори ($\chi^2 = 5.43$; RR = 1.43; OR = 2.35; 95% ИР (СИ): 1) 12- 4.95) бўлган.

II гуруҳдаги НГА касаллиги билан оғриган беморларда PV B19 учун серопозитив IgMнинг тарқалиши, АА билан оғриган беморларда аниқланиш сонидан 4,2% пастлигини кўрсатган ($\chi^2 = 0.15$; RR = 0.79; OR = 0, 71; 95% ИР (СИ): 0.13-4.00).

IV гуруҳдаги ЎМЛ билан оғриган беморларда PV B19 IgM учун серологик нисбат, НГА билан оғриган беморларга нисбати деярли бир хил даражада бўлган ($X^2 = 0.29$; RR = 0.86; OR = 0, 71; 95% ИР (СИ): 0.21-2.43), V гуруҳда эса, ЎМЛ билан оғриган беморларнинг улуши, IV гуруҳдаги ЎМЛ билан оғриган беморларга нисбатан 8,9% юқори бўлганлиги, статистик жиҳатдан муҳим ишончли фарқ бор деб ҳисобланади ($\chi^2 = 0.15$; RR = 1.24; OR = 1.36; 95% ИР (СИ): 0.29-6.42). Бундан ташқари, ЎЛЛ бўлган барча серопозитив беморлар ЎММЛ бўлганларга нисбатан статистик жиҳатдан 2,4% пастлиги ($\chi^2 = 1.31$; RR = 0.77; OR = 0.50; 95% СИ (СИ): 0,16-1,61) қайд этилган.

Гематологик шифохонада даволанаётган беморлар орасида PV B19 IgG учун хос бўлган серопозитив шахсларнинг тарқалиш кўрсаткичларининг хусусиятлари ўрганиш бўйича ҳам тадқиқот ўтказилган (2-расм).

2 - расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, назорат гуруҳи билан таққослаш гематологик беморлар гуруҳларида серологик маркер ва парвовирус инфекцияси билан касалланиш кўрсаткичи даражасида сезиларли фарқлар аниқланмаган.



2-расм. Гематологик беморлар қон зардобида парвовирус В19 учун хос серопозитив IgG кўрсаткичлари

2-жадвал.

Назорат гуруҳи билан таққослаганда турли камқонлик аниқланган гематологик беморлар қон зардобида парвовирусга хос В19 IgG кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлари	Беморлар		χ^2	RR	OR	95% ИР (CI)
	донорлар, n=191	АА, n=36				
PV В19 га IgG	138 (72,3%)	23 (63,9%)	0,993	0,73	0,68	0,32-1,44
	донорлар, n=191	НГА, n=16	1,712	0,53	0,49	0,18-1,39
	138 (72,3%)	9 (56,3%)				
	I) донорлар, n=191	ЎМЛ, n=48	0,468	1,23	1,29	0,61-2,72
	138 (72,3%)	37 (77,1%)				
	донорлар, n=191	ЎММЛ, n=14	0,391	0,71	0,69	0,22-2,16
	138 (72,3%)	9 (64,3%)				
	донорлар, n=191	ЎЛЛ, n=77	0,006	1,02	1,02	0,57-1,85
	138 (72,3%)	56 (72,7%)				
	донорлар, n=191	беморлар, n=191	0,282	0,95	0,90	0,58-1,41
138 (72,3%)	134 (70,2%)					

Эслатма: χ^2 - эҳтимоллик бўйича тузилган квадратик мезон

Шунингдек, қон касаллигига чалинган беморларда инфекция даражаси ва ўткир фазада парвовирус инфекциясининг пайдо бўлиш сонини тасдиқловчи PV В19 серологик маркерларини аниқлашнинг қиёсий таҳлили ўтказилган (3-жадвал).

3-жадвал.

Парвовирус В19 геномини ва серопозитив IgM ни гематологик беморларда аниқланиш даражасини ўзаро нисбати

Гуруҳлар		IgM			Геном			χ^2	RR	OR	95% ИР (CI)
		n	«+»		n	«+»					
№	Гуруҳлар таркиби		abs	%		abs	%				
I	Донорлар	191	11	5,8	41	6	14,6	3,30	2,17	2,81	0,97-8,09
IV	ЎМЛ	48	6	12,5	16	2	12,5	0,00	1,00	1,00	0,18-5,53
VI	ЎЛЛ	77	7	9,1	22	3	13,6	0,36	1,41	1,58	0,37-6,69

IV ва VI гуруҳларда ўртача	125	13	10,5	38	5	13,2	0,13	1,22	1,31	0,43-3,93
Ўртача жами	191	24	12,6	50	5	10,0	0,26	0,812	0,77	0,28-2.14

Эслатма: χ^2 - квадрат синовлари эҳтимоллиги

Агар шартли соғлом донорлар орасида PV B19 га хос IgG ни аниқлаш даражаси IgM билан солиштирганда 12,5 баробар юқори бўлган бўлса ($\chi^2 = 201.2$; RR = 4.072; OR = 42.6; 95% ИР (СИ))% 21.45-84.63), гематологик беморларда бу нисбат уларнинг касаллигига қараб жуда катта фарқ қилган.

Хусусан, АА билан хасталанган беморларда парвовирус инфекциясининг асосий ўзига хос серологик белгиси - IgG пайдо бўлиши, IgM аниқлаш кўрсаткичидан статистик жиҳатдан 3,8 баравар баландлиги ($\chi^2 = 17.54$; RR = 2.623; OR = 8.846; 95% СИ (СИ)% 2.92-26.83), НГА аниқланган беморларда - статистик жиҳатдан 4,5 марта юқори ($\chi^2 = 7.20$; RR = 2.46; OR = 9.00; 95% ИР (СИ): 1.52-53.41) эканлиги қайд этилган.

Ўткир фазали парвовирус инфекциясининг серологик маркерини аниқлаш даражаси бўйича B19 парвовируси геноми яъни PV B19 IgM ни аниқлаш таҳлили, учун хос бўлган ушбу кўрсаткич шартли соғлом одамларга нисбатан турли хил камқонлик бўлган беморларнинг гуруҳлари билан солиштирганда ҳам маълум фарқлар аниқлаган. Донорлар орасида PV B19 генетик белгисини аниқлаш сони IgM га нисбатан 2,5 баробар юқорилиги қайд этилган.

АА ва НГА билан оғриган беморларда PV B19 гени аниқланмади, II ва III гуруҳдагиларда эса ўткир фазали парвовирус инфекциясининг серологик маркери IgM аниқланди ва мос равишда 16,7% ва 18,8% га тенг бўлди. ЎМЛ билан оғриган беморлар орасида ўткир давр инфекциясининг генетик ва серологик белгиси сони бир хил 12,5% ҳолатларда аниқланди ($\chi^2 = 0,000$; RR = 1.000; OR = 1,000; 95% СИ (СИ): 0,181-5,534) (4-жадвал).

4-жадвал.

Парвовирус B19 геномини ва унинг учун специфик бўлган серопозитив IgG ни гематологик беморларда аниқлаш кўрсаткичларини ўз-аро нисбати.

Гуруҳлар		IgG			Геном			χ^2	RR	OR	95% ИР (СИ):
		n	«+»		n	«+»					
№	Гуруҳлар таркиби		abs	%		abs	%				
I	Донорлар	191	138	72,3	41	6	14,6*	48,24	0,11	0,07	0,03-0,17
IV	ОМЛ	48	37	77,1	16	2	12,5*	21,91	0,09	0,04	0,01-0,22
VI	ОЛЛ	77	56	72,7	22	3	13,6*	25,81	0,11	0,06	0,02-0,22
IV ва VI гуруҳларда ўртача		125	93	74,4	38	5	13,2*	47,44	0,10	0,05	0,02-0,15

Умумий ўртача	191	134	70,2	50	5	10,0*	63,05	0,08	0,05	0,02-0,13
---------------	-----	-----	------	----	---	-------	-------	------	------	-----------

Изох: χ^2 - эҳтимолликка қараб тузилган X^2 мезони; 1 - барча гематологик беморлар орасида * - PV B19 IgG учун хос бўлган серопозитив беморлар улушига нисбатан статистик аҳамиятга эга.

ЎММЛ билан оғриган 28,6% беморлар орасида парвовирус B19 учун специфик бўлган IgM синфидаги иммуноглобулинлар аниқланган, аммо ПЗР усули билан генетик маркерлар текширилганда ушбу индикатор учун ижобий бўлган беморлар аниқланмаган. Бу эҳтимол ушбу нозологияга тегишли беморлар сонининг камлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Серологик ва генетик белгилар бўйича ЎЛЛ бўлган беморларни текшириш, PV B19 геномини аниқланиш сони IgM ($\chi^2 = 0.365$; RR = 1.405; OR = 1.579; 95% ИР (CI): 0.372) дан юқори эмаслигини кўрсатган (-6.694).

Ўртача, IV ва VI гуруҳ беморларда геномини аниқланиш даражаси PV B19 ($\chi^2 = 0.134$; RR = 1.221; OR = 1.305; 95% ИР (CI): 0.434-3.930) сабабли юзага келган ўткир фазали инфекциясининг серологик маркерига нисбатан аҳамиятсиз ва статистик жиҳатдан унчалик катта бўлмаган маълумотларни берган.

Бундан ташқари, умуман олганда, гематологик касалликларга чалинган беморлар орасида генетик ва серологик маркерларни аниқланиш сони унча сезиларли фарқ қилмаган. Шундай қилиб, PV B19 геномини аниқланиш сони учун хос бўлган IgM га статистик жиҳатдан аҳамиятсиз ($\chi^2 = 0.26$; RR = 0.812; OR = 0.77; 95% ИР (CI): 0.28-2.14) эканлигини кўрсатган. PV B19 геномини ва унинг ўзига хос специфик маркери IgG аниқланишида ҳам маълум фарқлар аниқланган. Шунини таъкидлаш керакки, PV B19 га хос бўлган IgG серопозитив аниқланиши ушбу инфекцияда унинг гени қайд этилган шахслар сонидан сезиларли даражада кўпроқ бўлган (4- жадвал).

Шартли соғлом донорлар орасида PV B19 геномини аниқлаш сони назорат гуруҳидаги серологик маркерни аниқлаш даражасига нисбатан 4.95 марта ёки 57.7% ва статистик жиҳатдан анча паст бўлган ($\chi^2 = 48.236$; RR = 0.105; OR = 0.066; 95) % ИР (CI): 0.026-0.166).

Бундан ташқари, ЎМЛ билан оғриган беморларда PV B19 генетик белгиси парвовирус инфекциясининг серологик кўрсаткичи – IgG га нисбатан 6,17 марта камроқ қайд этилган ($\chi^2 = 21.905$; RR = 0.092; OR = 0.042; 95% ИР (CI): 0.008-0.216). (частота $\chi^2 = 25.812$; RR = 0.107; OR = 0,059; 95% ИР (CI): 0,016-0,221). ЎЛЛ ташхиси қўйилган беморларда PV B19 геноми унинг учун специфик бўлган IgG нисбатан 5,34 баробар кам аниқланган.


IV ва VI гуруҳдаги беморларнинг ўртача қийматларини таққослашда ҳам PV B19 учун хос бўлган IgG серопозитив маркернинг аниқланиш сони унинг геномининг пайдо бўлиш даражасига нисбатан устунлигини кўрсатган ва бу статистик жиҳатдан 5,6 баробар кам ($X^2 = 47.438$; RR = 0.100; OR = 0.052); 95% ДИ (CI): 0.019-0.145). Ушбу нисбатлар ЎЗР ССВ Гематология ва кон куйиш ИТИ клиникасида барча текширилган гематологик беморларнинг ҳолати билан корреляцион боғлиқликда бўлиб, умуман олганда, улар учун

парвовирус геномини аниқланиш даражаси PV B19 IgG аниқланишидан 7,1 баробар кам ($\chi^2 = 63.05$; RR = 0.08; OR = 0.05; 95% ИР (CI): 0.02-0.13).

3-чизмада кузатувда бўлган беморларда аниқланган асосий серологик ва генетик белгилар сони қийматлари келтирилган.

Умуман олганда, юқорида ва 3-расмда келтирилган маълумотларга кўра, шартли соғлом донорлар ва гематологик беморлар орасида парвовирус инфекцияси индикаторини аниқлаш кенг тарқалган. Шу билан бирга, ўткир фазада парвовирус инфекциясининг серологик ва генетик белгиларини аниқланиш нисбатларида фарқларни кузатиш мумкин.

ЎМЛ ва ЎЛЛ мавжуд беморларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, IV ва VI гуруҳдаги беморларда парвовирус инфекциясининг серологик маркери унинг касалланиш индикаторини аниқланиш сонига қараганда 1,36 марта кўп учраган.



3-чизма. Гематологик касалликларга чалинган беморларда серологик ва генетик маркерларнинг аниқланиш даражаси


Бунинг сабаби, гематологик касалхонанинг барча нозологик гуруҳларидаги беморларнинг ўртача кўрсаткичларини таққослаганда уларнинг ҳаммаси PV B19 генига эга эмаслиги аниқланган. Шунингдек, ЎМЛ касаллиги билан оғриган беморларда иккала турдаги серологик белгиларнинг аниқланиши деярли бир хил даражада бўлганлиги қайд этилган.

Шу билан бир қаторда, назорат гуруҳидаги парвовирус инфекциясининг белгиларини аниқлаш сони ҳам текширилган.

Текширилган шартли соғлом кишилар орасида жинсидан келиб чиқиб IgM серопозитив шахсларни аниқланиш сони бўйича ўтказилган тадқиқотлар парвовирус инфекциясининг ўткир фазада серологик маркерининг тарқалишида аҳамиятсиз тафовутлар аниқланган (4-расмга қаранг).

Бунда, 35-55 ёшдагилар гуруҳида, 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлардан фарқли ўлароқ, IgM серопозитивлари 1,6 марта тез-тез учрайди ва шу ёш гуруҳидаги эркаклар орасида деярли 1,9 марта, 12-18 ёшдаги ўспирин ўғил болаларда 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмир қизларга нисбатан

1,4 баравар кўп аниқланди. 3,5-12 ёшдаги болалар ва 35-55 ёшдаги донорларда парвовирус маркери IgM аниқланиш даражаси юқори бўлди. Жинс инобатга олинмаган ҳолларда бу рақам ўртача 2,1 мартани ташкил этди. Эркакларда ўғил болаларга нисбатан 2,3 марта, V гуруҳдаги аёлларда II гуруҳдаги қизларга нисбатан 2,0 марта фарқ қилди.



4-чизма. Шартли соғлом кишиларда B19 парвовирусни маркерини қон зардобда IgM аниқлаш даражаси

55 ёшдан ошган катта ёшдаги шартли соғлом инсонларда PV B19 инфекциясининг IgM маркерини аниқланиш эҳтимоли 35-55 ёшдагилардан бир оз фарқ қилган. Бу VI гуруҳдаги эркакларда у 1,4, 55-60 ёшли аёлларда 1,2 баробар, ва бу кўрсаткичлар гендер фарқлари бўйича таққослаганда - V гуруҳда тегишли кўрсаткичларга нисбатан 1,3 баробар паст бўлган.

Натижа шуни кўрсатдики, 35-55 ва 55-60 ёшни ўз ичига олган гуруҳларда аниқланиш даражаси деярли ўзгармади ва ўрганилган индикатор қийматидаги тафовут юқорида кўрсатилган ораликда бўлган.

